Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (13.252)

Баҳоси эркин нархда

ВЛАДИМИР ПУТИН ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасини ёд этиш маросимлари давом этмоқда.



Сарвар Ўрмонов олган сурат

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 6 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Россия Федерацияси раҳбари Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва қизи Лола Каримова-Тиллаевага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзаро ҳамкорлик кенг кўламли ва самарали бўлиб, ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф Владимир Путиннинг Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига юксак ҳурматидан далолат беришини қайд этди. Ўзбекистон Ислом Каримов ва Владимир Путин асос солган мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини давом эттириши ва янада мустаҳкамлашини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон учун, ўз халқининг фаровонлиги учун улкан ишлар қилгани, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлагани, бу мамлакат тараққиётига хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Россия давлатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири – **Нарендра Моди**

Малайзия Қироли – **Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**

Малайзия Бош вазири – **Дато Сри Мохд Нажиб**

Таиланд Қироли – **Пумипон Адулядет**

Финляндия Республикаси Президенти – **Саули Нийнистё**

Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**

Миср Араб Республикаси Президенти – **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси – **Маҳмуд Аббос**

Лаос Халқ-Демократик Республикаси Бош вазири – **Тхонглун Сисулит**

Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби – **Жон Керри**

Афғонистон Ислом Республикаси Парламенти Қуйи палатаси раиси – **Абдул Рауф Иброҳимий**

Кувайт Давлати Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири – **Шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Хамад ас-Сабоҳ**

Токио шаҳри губернатори – **Юрико Коикэ**

Хигашикава шаҳри мэри (Япония) – **Мацуока Ичиро**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори – **Жозе Грациану да Силва**

"Транснефть" компанияси вице-президенти – **Владимир Рушайло**

"Мицубиши Корпорейшн" бошқаруви раиси – **Кен Кобаяши**

"НЭК Корпорейшн" компанияси президенти – **Нобухиро Эндо**

Франция ривожланиш агентлиги бош директори – **Рэми Рию**

Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти – **Лев Леваев**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти – **Борис Қандов**

"Сока Гаккай Интернэшнл" президенти – **Дайсаку Икеда**

Нагоя университети президенти –**Сеичи Мацуо**

Васеда университети президенти – **Каору Камата**

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби – **Владимир Шербаков**.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ МЕҲРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМИЗ

Мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотираси халқимизнинг қалбида мангу яшайди. Бутун халқимиз Президентимиз вафотидан чуқур қайғуда.

Руслан НУРУДИНОВ, оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби:

– Юртбошимиз Ислом Каримовдек халқпарвар, болажон, ёшларни "Менинг фарзандларим!" деб бағрига босиб, чексиз меҳр-муҳаббатини намоён этадиган раҳбар кам бўлса керак.

Мен мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йили туғилганман. Мустақил давлатимиз билан бирга ўсдим, улғайдим. Мана шу ўтган йигирма беш йилда мен ва мен каби барча тенгдошларим Президентимизнинг улкан меҳри ва ғам-хўрлиги оғушида вояга етдик. Нимани ният қилсак, қалбимизда қандай эзгу мақсад бўлса, барчасига эришаяпмиз. Бу мамлакатимизда замонавий таълим олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир.

Яқинда Бразилияда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб, Олимпиада рекордини янгиладим. Юртбошимиз бу ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги Фармони билан мени "Эл-юрт ҳурмати" орденига муносиб кўрди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилар эканман, Президентимиз ишончини оқладим, юзим ёруғ бўлди, энди Ислом бобомиз билан кўришганда, мусобақада дунёнинг манаман деган давлат вакиллари билан беллашдим, менинг ғалаба қозонишимда Сизнинг "Маррани баланд олинг, азиз фарзандларим! Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди" деган даъватингиз катта куч берди дейман, дуосини оламан, деб ният қилгандим. Афсуски, армон бўлиб қолди...

Юртбошимизнинг бу даъватлари юрагимиздан ҳеч қачон ўчмайди ва бизни янада юксак ғалабалар сари илҳомлантираверади. Президентимиз хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ, бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинлари совриндори:

– Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, билдирган юксак ишончини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз бу ишончни доим оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятимизни намоён этиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

Мени ва тенгқурларимни Президентимиз асос солган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимизни юзага чиқарди. Спортдаги фаолиятимизда юксак натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. 2015 йили Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз мени бағрига босиб, "Сен Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида чемпион бўлишинг керак!" дея юксак ишонч билдирган эди.

Бразилияда ўтган Олимпиадада кумуш медални қўлга киритган бўлсам-да, Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги Фармонига биноан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг оталарча меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

ЎзА мухбири
Байрам АЙТМУРОДОВ
ёзиб олди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Тадбир қатнашчилари Президентимиз портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров ва бошқалар истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлар мангуликка муҳрланиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг биринчи кунларидан оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан амалга оширилди.

Ислом Каримов журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркорлигини уқтирарди.

– Президентимизнинг биз, журналистлар меҳнатини доимо юксак қадрлаб келганини мамлакатимизда таъсис этилган турли нуфузли танловлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин, – дейди "Ўзбекистон овози" – "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов. – Бу танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш рамзи бўлиб қолади. Ислом Каримов номи тинчликсевар ва халқпарвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олди.

Б.БОЗОРОВ
ЎзА мухбири

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида "Тозалик, озодалик – саломатлик гарови" мавзуида тадбирлар ўтказилмоқда.

ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш билан бир қаторда улар фарзандларининг маънавиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

"Касаба уюшмалари – болаларга" акциясига 12 минг биринчи синф ўқувчиси қамраб олинди. Мамлакатимиздаги уч юзга яқин мактабда ташкил этилган тадбирларда ўйин-мулоқот усулларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундовчи экологик суҳбатлар ўтказилди.

– Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – болажонларга соғлом турмуш тарзи тамойилларини ўргатишдан иборат, – дейди ЎзА мухбирига мактаб директори ўринбосари Раъно Низомова. – Тадбирда ўғил-қизларга бу борада тушунтиришлар бериш билан бирга, кундалик ҳаётда риоя этишлари лозим бўлган санитария-гигиена қоидалари жамланган эслатма-қўлланма тақдим этилди.

Н.НАСРИЕВ

Маҳалла

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Маҳалла – халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи, файзли маскан бўлиб, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган ушбу гўша қадрдон уйимиздир.

Олмазор туманидаги "Шифокорлар" маҳалласида 6141 га яқин аҳоли тотув ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилмоқда.

Маҳалла фаоллари, комиссия раислари бир сўз билан айтганда ноёб тузилманинг жонкуярлари аҳолининг, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, бандлик масаласини ҳал этиш, ёшларни турли хуружлардан асрашга зиммаларидаги асосий вазифалардан бири сифатида қараб келишмоқда.

— Маҳалламизда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилади, — дейди "Шифокорлар" маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилот раисаси Оқибат Якубова. — Маҳаллада қизларни янги оилага тайёрлаш, аёлларни ижтимоий- ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг саломатлиги бўйича суҳбатлар ўтказилади. Мазкур суҳбатлар намунали оила вакиллари, шифокорлар иштирокида ўтказилаётгани боис бундан аёлларимиз ўзларига керакли маълумотларга эга бўлишмоқда. Шунингдек, Олмазор туманидаги "Аёллар маслаҳат маркази" фаолиятидан ҳам аёлларимиз жуда мамнун. Фаолларимиз Юлдуз Расулова, Муҳайё Аманова, Шоира Мирсалимовалар маҳалланинг янада обод бўлиши, аҳоли турмушининг фаровон бўлишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Ёз мавсумида қизларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари ҳамда ҳунар ўрганишлари учун турли – тикиш, расм чизиш, бисерлик, тўқиш ва бошқа тўгараклар фаолият олиб борди. Мавсум тугаган бўлишига қарамай бугунги кунда ҳам тўгараклар ёшлар билан гавжум. Сожида Абидова раҳбарлик қилаётган тўқиш тўгарагига қизлар катта қизиқиш билан қатнашади. Маҳаллада заргар, ҳунарманд-уста Дилшод Нуриллаев ҳам мазкур ҳунар сирларини ўргатиб келади. Дилшоднинг бежирим ишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотаётгани, юртимизда бўладиган турли кўргазмаларда фаол қатнашиб, маҳалланинг обрўсига обрў қўшиб келаётгани эътиборга сазовор албатта.

— Аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилади, — дея сўзини давом эттирди О.Якубова. — Уларнинг соғликларини тиклаш мақсадида сузиш ҳавзаларига олиб борилади. Спортнинг саломатликка ижобий таъсирини яхши тушунган аёлларимиз гимнастика, югуриш билан шуғулланиб келишмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг барча маҳаллаларида катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, элда обрў-эътибор топган, кўпчиликка ижобий таъсир кўрсата олувчи, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга теран тушунтира олувчи фаоллар меҳнат қилмоқда. Бу эса аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

АКТ СОҲАСИДАГИ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва "Асака" акциядорлик тижорат банки ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Университет ректори Ш.Шерматов, "Асака" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси А.Аҳмадхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб, юқори малакали, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган билимли ёшлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети халқаро даражадаги IT-мутахассислар тайёрлаш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини такомиллаштиришда етакчи олий таълим муассасаларидан саналади. Бу ерда талабалар компьютер ва дастурий инжиниринг, логистика йўналишларида таҳсил олади.

Тадбирда университет ва "Асака" банкнинг ҳамкорлигини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сафини кенгайтириш, улар томонидан банк фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган янги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

– Ҳозир банкимиз интеграциялаштирилган-автоматлаштирилган тизимда фаолият юритмоқда, уни жаҳон стандартларига тўла мослаштириш учун замонавий дастурлар билан янада бойитишимиз керак, – дейди банкнинг ахборот-технологиялари департаменти бошлиғи Шуҳрат Комилов. – Бу борада университетнинг иқтидорли, ўз соҳасини мукаммал биладиган салоҳиятли талабаларига мурожаат қилмоқдамиз. Меморандум доирасида тўрт йил давомида университетнинг бакалавриат ва магистратура босқичи талабаларига грант тақдим этиб, янги дастурлар яратиш учун буюртма берамиз. Энг зўр дастурчининг тўлов контракт пуллари банк ҳисобидан тўланиб, ишга қабул қилинади.

Йиғилишда банк соҳасида инновацион ечимларни татбиқ этиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, мобиль банкинг ва интернетни ривожлантириш, банк фаолиятидаги бизнес жараёнларни оптималлаштириш бўйича таклифлар ўртага ташланди. Ҳамкорлик доирасида университет талабалари учун махсус IT-курслар, IT-лабораториялар ташкил этиш ҳамда бизнес-режаларни амалга оширишга кўмаклашиш режалаштирилгани таъкидланди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Ёз ҳам ўтиб, куз келди. Яна бир неча ойдан сўнг қишни ҳам қарши оламиз. Бу вақтда табиийки, коммунал соҳа ходимларининг ишлари авжига чиқади. Фикримизни Учтепа тумани мисолида давом эттирадиган бўлсак, тумандаги 650 та кўп қаватли уйларга 184 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади.



Кичик ҳалқа йўлидан юриб, Фарҳод кўчасидан 15-мавзега бурилишингиз билан кўркам кўп қаватли иморатга кўзингиз тушади. Бу Учтепа тумани "Боғобод" маҳалласи ҳудудида жойлашган 16 қаватли – 14-уйдир. Унга бугунги кунда "Лилия ишонч" ХУЖМШ хизмат кўрсатади.

Мазкур кўп қаватли уй 1991 йили қурилган. Атиги битта кириш йўлаги бор. 124 та хонадонда 438 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2006 йилда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилгач, уй ширкат ихтиёрига берилди ва 2007 йили Гулнора Алиева ширкат бошқарувини ўз қўлига олди.

– Ўтган 9 йил мобайнида кўп қаватли уйлар ва уларнинг атрофида бир мунча ишлар қилинди, – дейди "Лилия ишонч" ХУЖМШ раиси Гулнора Алиева. – Биринчи навбатда томни мукаммал таъмирдан чиқардик. Кейинчалик, 2013 йилда банкдан кредит олиб, том замонавий полизол билан қайта ёпилди. Айни пайтда Миллий банк Учтепа филиали билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз. Яқинда 39 млн. сўм кредит олдик. 28 млн. сўмга иссиқлик қувурларини алмаштирдик. Бу иш давом этаяпти. Шу билан бир қаторда йўлакларни таъмирлаяпмиз.

– 6 йилдан бери шу уйда истиқомат қиламан, – дейди 14-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Гулчеҳра Умрзоқова, – мана яқинда иссиқлик қувурларимизни алмаштиришди, ўзим ширкатга тўловларни олдиндан тўлаб қўяман. Қарзим йўқ. Ширкат фаолиятидан розиман.

– Учтепа электр тармоқлари корхонасида бош ҳисобчи бўлиб ишлайман, – дея суҳбатга қўшилади Равшан Шербоев. – Агар туманимизда 184 ХУЖМШ борлигини инобатга олсак, шунинг 32 таси қарздор, 5 таси намунали ширкат бўлса, шунинг бири "Лилия ишонч" ширкатидир, бу ширкатнинг электрдан қарзи йўқ. Вақтида тўловлар тўлаб қўйилади.

– Қўшнилар аҳил, вақтида тўловларни тўлашади, мабодо бирор сабаб билан тўлашмаса, уларга имкон берамиз, – дейди 14-уй бошқарувчиси Назокат Жўраева. – Лифт ишлайди, аммо анча эскирган. Янги лифт ўрнатишимиз керак. Сантехник ҳам, лифтёр ҳам шу уйда яшайди, шунинг учун муаммо туғилса, ўша заҳоти бартараф этишади.

– Ширкатнинг яхши ишлаши учун тўловлар аҳоли томонидан вақтида тўланиши керак, – дея гапида давом этади Гулнора Алиева, – ҳамма нарсадан унумли фойдаланиш керак. Муаммолар ҳам бор албатта, лекин бу ишлар ҳам вақти-соати билан ечимини топади.

Бир қарашда битта 16 қаватли уйга хизмат кўрсатаётган ХУЖМШ фаолиятини бошқариш осондек туюлади, аммо унинг ичига кирсангиз, муаммолар билан танишсангиз, намунали хизмат ўз-ўзидан амалга ошмаётганини ҳис этасиз. Ўтган 9 йиллик тажриба Гулнора Алиевани ширкат ишини бошқаришда ҳар жиҳатдан тоблади. Аста-секин туманда энг илғор ХУЖМШлардан бирига айланди. Улар фаолиятини ибрат қилиб кўрсатсак ярашади.

З.ШАРИФЖОНОВ

МАЪРИФАТ ВА МУТОЛАА КОШОНАСИГА САЁҲАТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 6-9 сентябрь очиқ эшиклар куни эълон қилинди.

Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод маънавиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда ўғил-қизларнинг китобга бўлган меҳрини янада кучайтириш, мутолаа маданиятини оширишга доимий эътибор қаратилаётир. Бу борада кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларнинг адабиётлар захирасини янгилаш ва бойитиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Кутубхона бўйлаб ташкил этилаётган очиқ эшиклар куни ҳам ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, мазкур маърифат масканида китобхонлар учун яратилган имконият ва қулайликлардан хабардор этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида Тошкент темир йўл муҳандислари, Тошкент молия, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига кутубхона фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

– Бугун эрталабдан кутубхонамиз ёшлар билан гавжум, китоб музейи, кўргазмалар зали, кафедралар, китобхонлар каталоглари ва картотека залари, электрон каталоглар хоналари бўйлаб экскурсиялар ўтказилмоқда, – дейди кутубхона директорининг ўринбосари У.Тешабоева. – Қувонарлиси, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши йилдан йилга ортиб, мутолаа маданияти ривожланиб бормоқда.

Мазкур кутубхонага 12 ёшдан бошлаб аъзо бўлиш мумкин. Уларга аъзоликни тасдиқловчи пластик карточкалар тақдим этилади. Расмий веб-сайтида фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари мавжуд.

Бу ерда замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотлар, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхати, кутубхонанинг электрон каталогидан фойдаланиш ва адабиётларга буюртма бериш каби хизматлар тақдим этилган.

– Инсон тарбиясида, унинг маънавиятини юксалтириш ва дунёқарашини шакллантиришда китобнинг ўрни беқиёс, – дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Ш.Аҳмедов. – Биз, талабаларнинг аъло баҳоларга ўқишимиз, мукаммал билим олишимиз, бир эмас, бир неча хорижий тилларни ўрганишимиз учун барча шароит яратилган. Айниқса, замонавий кўриниш, мутлақо янгича қиёфа ва мазмунга эга бўлган Ўзбекистон Миллий кутубхонасига келганимизда кўксимизда ғурурланиш ҳисси пайдо бўлади.

Тадбир доирасида шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, тақдимот маросимлари, тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

(ЎзА)

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Ёшларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, мустақил ва эркин фикрловчи ёш авлоднинг камолга етишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни беқиёс.

"Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази акциядорлик жамиятининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош шифокор ўринбосари А.Ризаев марказда фаолият олиб бораётган 100 дан ортиқ 30 ёшгача бўлган ходимларнинг Ҳаракатнинг Дастур ва Уставини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини маълум қилиб, дастурий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ва тарғиб қилишда уларнинг фаол иштирок этишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов сўз олиб, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиш тарихи, ташкилотнинг ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари, жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари, Ҳаракатнинг корхона, муассаса ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилоти Низоми билан таништириб ўтди.

Тадбир сўнгида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази акциядорлик жамиятининг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиси сайланди.

Зарина РУСТАМОВА

ТАРАҚҚИЁТ НЕЪМАТЛАРИ

Ҳуррият — айни вақтда хотиржам мутолаамиз учун шароит ҳозирлаган энг улуғ ва энг муқаддас неъмат. Мустақиллик йўлида заҳмат чеккан маърифатпарвар шахслардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Бир бурда нон есанг ҳам озод ва ҳур бўлмоқ афзалдир" деган фикри қадриятларнинг энг олийси нима эканини бизга таъкидлайди. Мустабид тузум даврида пахта мажбуриятидан азият чеккан халқ ҳозирда тўқимачилик ва енгил саноат бўйича жаҳонда етакчилар сафига қўшилаётганидан ташқари, мева-сабзавот етиштиришда ҳам катта имкониятларга эга.

Хусусан Ўзбекистон табиати неъматларининг чет эл бозорларига кириб бориши, ундан фермерларимизнинг ризқига барака қўшилаётгани айнан истиқлол нурларидан порлаган бахтдир. Биз бу мустақил замин бағридан ҳали кўп тараққиёт неъматларини терамиз. Юртдошларимизнинг меҳнаткашликдаги олтин тажрибаси аждодлардан меросдир. Улар фақат меъморий обидалар, нодир китобларнигина эмас, барча эзгу сифатларни ўзида мужассам қурол билан мавҳ этолмаган бу бой маданият бизга ўтмишимиздан руҳий қувват бахш этиб турибди.

Келинг, ўрта асрлардаги озодлик даврларини ёдга олайлик. Исмоил Сомоний жасорати билан ҳур бўлган юртимизда тез орада иқтисодий ва илмий юксалиш кўзга ташланди. Сомонийларга тегишли тангалар Осиё ва Европанинг кўпгина ҳудудларидан топилгани уларнинг халқаро валюта ўрнида ишлатилганидан, юксак иқтисодий салоҳиятидан дарак беради. Айнан ўша пайтларда Ал-Фаробий, Беруний ва Ибн Сино каби тафаккурда тенгсиз олимларимиз етишиб чиққани эса мустақил давлатда илм-фан қай даражада ривож топганини англатади.

XIV асрда яна озодликка чиққан элимиз кўкрагига шамол тегиб, ўз шижоатини намоён этган ҳолда қисқа вақт ичида дунёни ҳайратга солган тараққиётга эришди. Бир пайтнинг ўзида Оқ Сарой, Аҳмад Яссавий Мақбараси, Шоҳизинда мажмуасида қурилиш олиб борилаётганда Бибихоним Жоме Масжиди учун улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилгани истиқлол йилларида уларнинг қанчалик моддий ва маънавий юксалганидан дарак беради. Озод юрт фарзанди бўлмиш Мирзо Улуғбек эса шоҳ бўла туриб астрономияда барча замон олимларидан ўзиб кетгани фақат ўзбек халқигагина насиб этган шарафдир. Инсоннинг соғлом ғоявий муҳитда таълим-тарбия олиши, ўз тақдирини белгилаш учун етарли шароитларга эга бўлиши фақатгина мустақиллик шароитида бўлиши мумкин. Биз шу кунгача қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг қарийб барчаси мустақиллик йилларида рўёбга чиққан. Айнан истиқлол туфайли фарзандларимизни ўз қадриятларимиз асосида тарбиялаб вояга етказяпмиз. Қандай истиқболли режалар мақсади кўзланса, ҳеч қандай ташқи монеликсиз кўнгилдагидек рўёбга чиқаряпмиз. Асосийси улар ўзимизга хизмат қилмоқда.

Мен ўзим Темурийлар тарихи давлат музейида фаолият юритарканман, экскурсия мобайнида кўпчилик инсонлардан тарихимиз, айниқса Амир Темур ҳақидаги ҳаққоний фикрлар мустақилликдан кейин юзага чиққанини эшитаман. Дарҳақиқат, Соҳибқироннинг қутлуғ номи бўҳтонларга кўмилган бир даврда шундай улуғвор музей ташкил этишнинг иложи бормиди? Ўзимнинг ён атрофимда шу йилнинг ўзида бўлган ўзгаришларни ёзадиган бўлсам, масалан, музейимиз ёнгинасида янги бир муҳташам меҳмонхона қад кўтарди. Метрога тушиб янги ёруғ вагонларда "Тинчлик" бекатига етиб бораман. Метродан чиқиб яқиндагина қуриб битказилган кенг ва текис кўчадан уйим томон кетаман. Маҳалламизда ҳам ҳар йили қайсидир уйда қурилиш ишлари бўлиб, бундан маҳалламиз тобора ободлашиб боряпти.

Биз Қодирий-у Чўлпонлар, Фитрат ва Беҳбудийлар орзулари бугунги кунга келиб амалга ошган даврда яшаётганимиз учун уларга муносиб авлод бўлиш билан бирга янада камолотга етишмоқлигимиз давр талабидир. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон кўпгина халқаро анжуманларга мезбонлик қилиши, уларда фаол иштирок этиши давлатимизнинг нуфузи ортаётганидан далолат берса, юртдошларимизнинг олимпиада мусобақаларида совриндор бўлишлари, бошқа турли спорт мусобақаларида, санъат фестивалларида, саноат кўргазмаларида муносиб қатнашаётганликлари оқилона ислоҳотлар самара бера бошлаганини англатади. Биз эришаётган бу ютуқ ва натижалар бошланиши холос, ҳали олдинда, буюк ўтмишимизда бўлганидек, буюк келажак кутмоқда.

Комилжон ЮНУСОВ,
Темурийлар тарихи
Давлат музейи кичик илмий ходими



ТИББИЙ МАДАНИЯТ ОШИРИЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида энг мукаммал ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Чилонзор туманидаги 33-оилавий поликлиникада ҳам аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш, даволаш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Поликлиника ўз ҳудудида ўттиз мингдан ортиқ аҳолини қамраб олган бўлиб, 6 та маҳалла, 5 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача таълим муассасаси ва иккита касб-ҳунар коллежига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса хонадонлардаги ёш оналар, чақалоқлар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва фертил ёшидаги аёлларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Клиник таҳлил, рентгенология, ЭКГ, физиотерапия, ультратовуш текшириш хоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Тиббиёт муассасасида тор соҳа мутахассислари, лор, стоматолог, эндокринолог, гинеколог, невролог, терапевт, жарроҳ каби мутахассислар томонидан аҳоли кенг миқёсда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

– Поликлиникамиз даволаш профилактика муассасаси ҳисобланади, – дейди 33-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Абдукарим Муродов. – Ва замонавий тиббий асбоб-ускуна текширувлари ва лаборатория таҳлиллари асосида ташхислаш йўналишида фаолият юритади. Оилаларда тиббий маданиятни ошириш ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишга қатъий ёндашиб иш олиб бормоқдамиз. Жорий йилнинг саккиз ойида 18 минг 779 минг аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга маҳаллалар ҳамкорлигида фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш борасида турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида оналик ва болаликнинг бахтли келажаги, кексаларимизнинг фароғатли, ҳаловатли ҳаётлари мужассамлаштирилган.

Айниқса ёш оналарга эътибор қаратиб, уларнинг соғликларини назоратга олиш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларга қарши эмлаш борасида режали ишлар амалга оширилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: поликлиника фаолиятидан лавҳа

Олий ўқув юртларида

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Республикамизда фармацевт кадрларни тайёрлаб берувчи ягона олий таълим муассасаси – Тошкент Фармацевтика институтида бугунги кун талаблари асосида янги таълим йўналишлари, мутахассисликлар ташкил этилмоқда, фан дастурлари мунтазам янгиланиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизимини модернизациялаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Шундан келиб чиққан ҳолда институтда тайёрланаётган кадрларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, мутахассис сифатида жаҳон талабларига мос келишига эришиш асосий вазифалардан биридир. Бинобарин, кейинги йиллар давомида жаҳон тажрибалари ўрганилиб, таълим жараёнига бир қатор янгиликлар киритилди. Жумладан, институтда мавжуд 5 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 5 та магистратура мутахассисликлари учун хориж тажрибаси асосида такомиллаштирилган ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Мазкур масалалар билан бир қаторда фармацевтика соҳасининг долзарб муаммоларидан яна бири – дори воситаларидан оқилона фойдаланишдир. Маълумки, бугунги кунда дунё бозорида 350 минг хил дори воситалари мавжуд. Шунинг учун дори воситалари муомаласи (мутаносиблиги, таъсири, акс таъсири, генетик мослиги) бўйича фармацевтларда етарли даражада билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида тиббий-биологик фанларнинг дастурлари такомиллаштирилмоқда. Айниқса, клиник фармация таълим йўналиши битирувчиларининг ушбу вазифаларни чуқур ўзлаштиришига алоҳида аҳамият қаратилган. Қуйида дори воситалари муомаласидаги статистик маълумотларни буни тасдиқловчи омили сифатида келтириш мумкин.

АҚШда ҳар йили дори воситаларининг ножўя таъсири натижасида 3,5-8,8 млн. бемор госпитализация қилинмоқда. Францияда бир йилда 1,3 млн. беморнинг дори воситаларининг ножўя таъсиридан жабрланганлиги қайд этилган, улардан 33 фоизи жиддий жабрланган ва 16 фоизи касалхонага ётқизилган, 1,4 фоиз ҳолат ўлим билан якунланган. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий хабарномасига кўра АҚШда 20 фоиз, Европанинг 8 та давлатида 19,8 фоиз, Италияда 25 фоиз ҳолатларда беморларнинг клиник ҳолатига мос бўлмаган дори воситалари тайинланганлиги қайд этилган. Турли хил давлатларда соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағнинг 5 фоиздан 17 фоизгача бўлган қисми айнан дори воситаларининг ножўя таъсирини даволаш учун сарфланаётгани қайд этилган. Бизда саноат фармациясини ривожлантириш масаласи мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида устувор вазифалардан бири деб белгиланган. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолини маҳаллий хом ашёлар асосидаги безарар, сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш борасида қатор қарорлар қабул қилинган. Шу боис саноат фармацияси таълим йўналиши битирувчиларининг малъака талабларини шакллантириш ишлари, янги дори воситаларининг ишланмаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш амалиётида кузатилаётган камчиликлар фан дастурлари асосида такомиллаштирилмоқда.

2016 йил 4 январда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирининг қабул қилиниши дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, мазкур соҳада бир қанча ўзгаришларни юзага келтирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги 32-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги йиғилиши ўтказилиб, 2015-2017 йилларга мўлжалланган дастур асосида институт олдига муҳим вазифалар қўйилди.

Унга асосан маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги самарали дори турларини яратиш учун доривор ўсимликларни етиштиришни кўпайтириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шу билан биргаликда, 2016 йил 24 январда ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий хом ашё ва доривор ўсимликлар асосида импорт ўрнини босувчи рақобатбардош дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги йиғилиш баёни, "Маҳаллий фармацевтика соҳаси салоҳиятини янада ошириш ва импорт ўрнини босувчи дори воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 18 апрелдаги 2-сон йиғилиши баёни ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" ДАК билан биргаликда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Институт ходимлари маҳаллийлаштириш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши борасида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган фармацевтика соҳасига ҳукумат даражасида аҳамият берилаётгани ҳамда мазкур соҳа кадрларини тайёрлаб берувчи институт олдида ўта масъулиятли вазифалар қўйилганлигидан далолат беради. Кадрларнинг нафақат ўз соҳасининг билимдони, балки ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши давр талабидир. Бу борада ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари уларнинг дунёқарашини кенгайтириш билан бирга мамлакатда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатади.

Нилуфар САЛИМСАКОВА,
Тошкент Фармацевтика институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 10 октябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
– ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
– ҳарид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 2 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 10 октябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16- "А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 2016 йилнинг 24 октябрь, 7, 21 ноябрь, 5, 19 декабрь кунлари соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар	2722	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сариқўл 2-тор кўчаси, 34-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	4 471 629 100	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 2 йил муддат ичида)	
2	2 қаватли бинонинг ертўласи (гараж қисми)	3210	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13а-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	6 279 714 678		
3	Офис ва савдо дўкони мажмуаси	3640	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	12 055 852 700		
4	Маъмурий бино қисми	915	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13а-уй	Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	28.03.2014 № 75	2 462 380 711		

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 10 октябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти тасарруфидаги Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган умумий майдони 2101 кв.метрга тенг давлат мулки бўлган қурилиши тугалланмаган савдо уйи бино-иншооти давлат объектини сотиб олишга таклиф этади.

Мазкур "Объект"нинг бошланғич нархи – **8 098 163 700** (саккиз миллиард тўқсон саккиз миллион бир юз олтмиш уч минг етти юз) сўм.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
– ушбу "Объект" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
– ҳарид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 10 октябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 2016 йилнинг 24 октябрь, 7, 21 ноябрь, 5, 19 декабрь кунлари соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорига ҳамда Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2016 йил 22 августдаги 111 к-ПО-сонли буйруғига кўра биржа савдоларидан олинган акциядорлик жамиятлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона
1	"Ўзбектелеком" АЖ	15	4 904 195
2	"Ўзбекенгилсаноат" АЖ	15	307 154
3	"АГРО БАНК" АЖ	15	47 215 096
4	"Қишлоқ қурилиш банк" АЖ	15	479 278 772
5	"Микрокредитбанк" АЖ	15	35 135 669
6	"Марказий ипподром" АЖ	15	8 850 000
7	"Mulk-Sarmoya brokerlik uyi" АЖ	15	274 293
8	"Elsis Savdo" АЖ	15	102 000
9	"Ўзбекистон почтаси" АЖ	15	1 236 034
10	"Respublika Mulk Markazi" АЖ	34	97 240
11	"Ўзэкспомарказ" АЖ	38,31	1 431 399
12	"Пахтакор спорт машғулотлари ўқув маркази" АЖ	15	188499

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 25 июлдан 26 августгача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан ва биржа савдоларда сотилган давлат активлари савдоларининг натижалари
РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Сотилиш нархи (сўмда)	Харидорга юклатилган инвестиция мажбурияти (сўмда)
1	Ёрдамчи бино ва иншоотлар	40	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	07.09.2009 № 256	33 892 931	35 000 000	30 000 000
2	Ёрдамчи бино ва иншоотлар	121	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	07.09.2009 № 256	84 451 635,44	85 000 000	70 000 000
3	Лаборатория корпуси бино ва иншоотлари	1245	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси	07.09.2009 № 256	1 042 420 915,74	1 045 000 000	250 000 000
4	Қурилиши тугалланмаган мактабгача таълим муассасаси бино ва иншоотлари	1851	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, Рохат кўчаси, "Истиқбол" маҳалласи	Тошкент шаҳри, Бектемир туман ҳокимияти "Бектемир-Инвест" ДУК	03.06.2014 № 2200	1 021 200 000	1 022 000 000	250 000 000

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Спорт янгиликлари





Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Кеча Қатарда футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи доирасида "А" гуруҳи вакиллари — Қатар ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида 2-тур учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув бошланишидан аввал стадионга йиғилган минглаб мухлислар, мутахассислар ҳамда Қатар, Ўзбекистон терма жамоалари футболчилари Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини сукут сақлаб ёдга олишди.

Энди бевосита ҳар икки миллий терма жамоаларнинг ўзаро учрашувлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу терма жамоалар халқаро турнирларда ўзаро 11 марта тўқнаш келишган. Уларнинг олтитасида ҳамюртларимиз зафар қучишган бўлса, икки ўйин дуранг билан якунланган, қатарликлар фақат уч мартагина ғалаба қозонишган.

Айтиш жоизки, саралаш турнирининг 1-тур беллашувида Қатар терма жамоаси ўз майдонида эронликларга 0:2 ҳисобида имкониятни бой берган, ўзбекистонликлар эса Сурия терма жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келишган эди. Шу боис ҳам ушбу баҳснинг муросасиз ўтиши тахмин қилинган эди. Дарҳақиқат, биринчи бўлимда кўпроқ мезбонлар Лобанов дарвозаси томон хавфли ҳужумлар уюштиришди. Ҳатто қатарликлар ҳужумларидан бири гол билан якунланишига бир баҳя қолди. Мезбонлар футболчиси зарбасини дарвоза тўсини қайтарди. Терма жамоамиз ҳимоячилари бошқа вазиятларда бехато ўйнашга ҳаракат қилишди ва ўйин охиригача дарвозамиз дахлсизлигини сақлашнинг уддасидан чиқишди. Иккинчи бўлимда эса Самвел Бабаян шогирдлари рақиб дарвозасига кўпроқ ҳужумлар уюштиришди. Бу ҳужумлар 85-дақиқага келиб самара берди. Рашидов ўрнига майдонда ҳаракатланаётган моҳир ҳужумчимиз Гейнрих жаримадан тўпни жамоадошига қойилмақом тарзда ҳаволатиб оширди ва бу тўпни Егор Кримец боши билан мезбонлар дарвозасига жойлаб қўйди. Учрашув охиригача 1:0 ҳисоби ўзгармади ва миллий терма жамоамиз муҳим ғалаба билан Тошкентга қайтадиган бўлди. Дарвоқе, ушбу гуруҳдаги Хитой — Эрон ҳамда Сурия — Жанубий Корея терма жамоалари баҳсларида дарвозаларга бирорта гол киритилмади. Ҳар икки учрашув 0:0 ҳисобида якунланди. Ушбу гуруҳда етакчилар — Эрон, Жанубий Корея терма жамоаларининг очко йўқотиши чарм тўп усталаримизнинг 6 очко билан гуруҳда якка пешқадам бўлиб олишларини таъминлади.

Энди миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичидаги учинчи, тўртинчи тур баҳсларини октябрь ойида Тошкентда ўтказади. Унда аввалига Эрон, кейинчалик Хитой терма жамоалари Самвел Бабаян шогирдларининг меҳмони бўлишади.

Биз ушбу муҳим баҳсларда ҳам ҳамюртларимизга ғалаба ёр бўлсин, деймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Америка Қўшма Штатларида 23 сентябрь куни профессионал боксда фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган ўзбекистонлик боксчи Хуршидбек Норматов иштирокида катта бокс кечаси ташкил қилинади.

НАВБАТДАГИ РАҚИБ НОМИ МАЪЛУМ

Андижонлик 24 ёшли чарм қўлқоп устаси профессионал рингдаги иккинчи жангини ўтказади. Унинг бу галги рақиби ўзининг кучли зарбалари билан ном қозонган 26 ёшли америкалик Томас Бернард бўлади. Бокс мухлисларига яхши маълумки, ҳамюртимиз Хуршидбек илк жангда Ромон Барберни осонлик билан мағлуб этган эди.

Эслатиб ўтамиз, Хуршидбек Норматов "Fight Promotion" промоутерлик компанияси билан уч йиллик шартнома тузган. Икки томонлама келишувга кўра, боксчимиз бу муддат ичида жами ўн бештагача жанг ўтказади.

ИККИТА ТУРДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида шахмат бўйича бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилмоқда.

Ушбу мусобақада Ўзбекистоннинг эркаклар ва аёллар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Ортда қолган икки тур давомида эркаклар терма жамоамиз Доминикан ва Бруней каби давлатларни мағлуб этган бўлса, қизларимиз Парагвай ва бельгиялик рақибаларини таслим этишга муваффақ бўлишди.

Мусобақанинг кеча ўтказилган учинчи турида эса, эркаклар терма жамоамиз чехиялик рақибларига имкониятни бой беришган бўлса, қизларимиз турнир етакчиси ҳисобланган Россия вакилаларини енгишнинг уддасидан чиқа олишмади.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич бахосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига СИБ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран чиқарилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 58-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 30 677 271 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 77/7-уйда жойлашган умумий ер майдони 12829,0 кв.метр, ер бўлагининг майдони 88215,0 кв.метр, фойдали майдони 11671,88 кв.метр бўлган и/ч цехлари ва омборхона бинолари; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 62-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 403 091 695 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 29-уйда жойлашган умумий ер майдони 1436,40 кв.метр, ер майдони 895,48 кв.метр, қурилиш ости ер майдони 540,92 кв.метр бўлган кўчмас мулк объекти. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "*INFI*Nbank"даги МФО:01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб ракамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ

шуни маълум қиладики, "Тошкент оқшоми" газетасининг №182-183(13.245-13.246) сонида берилган эълоннинг охирги хатбошисидаги 2016 йил 10 июнь сўзи ўрнига 2016 йил 3 сентябрь деб ўқилсин.

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг Умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш ва эндокринология кафедраси профессори Абдигаффор Гадаевич Гадаевга падари бузруквори

Гадой ота ҒАНИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали Очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган такроран аукцион савдосига: Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланаётган 09.11.2015 йилдаги 27674/6-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. Daewoo Espero русумли, оқ рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01W072AA бўлган енгил авто-на б/б - 26 400 000 сўм. 2. Нексия русумли, кулранг 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 20 О 970 ВА бўлган енгил авто-на б/б - 26 215 000 сўм. 3. Тико русумли, оқ рангли, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 10 332 SAA бўлган енгил авто-на б/б - 16 359 080 сўм. 4. 29.02.2016 йилдаги 2482/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21099 русумли, кулранг рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01С613НА бўлган енгил авто-на б/б - 10 944 442 сўм. 5. 15.04.2016 йилдаги 12089/11-сонли ижро ҳужжати Матиз русумли, оқ, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 01 О 681 GA бўлган енгил авто-на б/б - 21 508 440 сўм. 6. 23.07.2015 йилдаги 19124/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2101 русумли, қизил, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01 F 236 QA бўлган енгил авто-на б/б - 2 159 407 сўм. 7. 04.12.2015 йилдаги 37127/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 русумли, оқ, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 10 Н 941 НА бўлган енгил авто-на б/б - 5 888 166 сўм. 8. 25.01.2016 йилдаги 965/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 русумли, жигарранг, 1984 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Т 509 МА бўлган енгил авто-на б/б - 7 133 399 сўм. 9. 25.01.2016 йилдаги 963/19-сонли ижро ҳужжати Лада Калина ВАЗ-11183-110-20 русумли, изабелла рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Е 885 FA бўлган енгил авто-на б/б - 28 397 993 сўм. 10. 09.04.2015 йилдаги 8433/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2101 русумли, қизил рангли, 1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G 487 SA бўлган енгил авто-на б/б - 5 394 724 сўм. 11. 18.04.2016 йилдаги 12142/11-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21053 русумли, кўк, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б NA 33 RUS 8465 бўлган енгил авто-на б/б - 4 973 000 сўм. "Зафар-И" божхона омборида сақланмоқда. Суд Департаменти суд ижрочилари томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Hyundai Elanra русумли, кумуш рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 765 ААА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 81 222 350 сўм бўлган авто-на. Тошкент ш., Сергели т., Олтин водий кўчасида жойлашган Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланмоқда.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 23 сентябрда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 21 сентябрь соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00да бошланғич баҳосини ошиб бориш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Суд ижро департаменти томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланаётган: бошланғич баҳоси 23 368 800 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/582GAA, "ГБА СПГ DAMAS" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 56 944 775 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/398ZAA, "ГАЗ-2752-414" р-ли юк-йўловчи ташувчи ав-на; бошланғич баҳоси 59 656 431 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/397ZAA, "ГАЗ-2217-404" р-ли юк-йўловчи ташувчи ав-на; бошланғич баҳоси 38 338 832 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01/417QCA, "NEXIA DONC-2" р-ли ав-на; 2. Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган: 2.1. ЖИБ Тошкент шаҳар, Юнусобод туман судининг 13.07.2016 йилдаги 1-516/16-сонли ижро варақасига асосан Юнусобод туман, 8-автокорхонага қарашли жарима майдонида сақланаётган бошланғич баҳоси 849 000 сўм бўлган 1976 йилда и/ч, д/р 01Е034LA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; 2.2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 29.02.2008 йилдаги ЖСҲ-1-75/08-сонли ижро варақасига асосан "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: бошланғич баҳоси 33 402 359 сўм 21 тийин бўлган 1995 йилда и/ч, д/р 10W1601, "BMW-525TDS" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 16 291 995 сўм 75 тийин бўлган 1995 йилда и/ч, д/р 30Т0952, "OPEL VECTRA" р-ли ав-на; Бошланғич баҳоси 22 409 682 сўм 26 тийин бўлган 1996 йилда и/ч, д/р 5660ЕА7, "OPEL OMEGA" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 20 050 143 сўм 35 тийин бўлган 1995 йилда и/ч, д/р 1364ЕК7, "AUDI-A4" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "*Infin*BANK"даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000050015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб тураги, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9225

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ